**Футбол**

## «ОЛМАЛИҚ» – КУБОК СОҲИБИ!

**Пойтахтимизда футбол бўйича Ўзбекистон футбол федерацияси кубоги учун ўтказилган турнир Тошкент вилоятининг "Олмалиқ" жамоаси ғалабаси билан якунланди.**

Олмалиқлик чарм тўп усталари мусобақа финалида Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоаси ўринбосарларига қарши майдонга тушди. Учрашув "Бунёдкор" жамоаси ёш футболчиларининг кескин ҳужумлари билан бошланган бўлса-да, "Олмалиқ" аъзолари қисқа фурсат ичида ташаббусни ўз қўлига олиб, ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Биринчи бўлим якунлангунча Игорь Шквирин шогирдлари ҳисобдаги фарқни иккитага етказди.

Бахтиёр Тоғаев томонидан киритилган учинчи тўп ўйин тақдирини "Олмалиқ" жамоаси фойдасига ҳал қилди. Учрашув якунланишига беш дақиқа қолганда "Бунёдкор" ҳужумчиси Темурхўжа Абдухоликнинг ягона жавоб голи ҳисобдаги фарқни биттага қисқартирди.

Шундай қилиб, муҳим учрашувда 3:1 ҳисобида зафар қучган "Олмалиқ" футболчилари Ўзбекистон футбол федерацияси кубогини қўлга киритди.

## «ПАХТАКОР»-«БОЛОНЬЯ» - 2:2

**Италиянинг Виареджио шаҳрида давом этаётган футбол бўйича "Coppa Carnevale" халқаро турнирида Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси тарбияланувчилари гуруҳдаги учинчи тур учрашувини "Болонья" футболчиларига қарши ўтказди.**

Ҳисоб учрашувнинг ўттиз тўққизинчи дақиқасида очилди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сардори Шерзод Каримовнинг кучли зарбасини италияликлар посбони қайтара олмади.

Ўйиннинг иккинчи ярмида "Болонья" футболчилари ҳужумлардан иккитасини самарали якунлади. Моҳир ҳужумчи Паси "Пахтакор" посбони Суҳроб Султонов дарвозасига бир жуфт гол киритиб, жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Лекин пахтакорчилар ўйин якунланишига икки дақиқа қолганида вазиятни тенглаштиришга муваффақ бўлди. "Болонья" дарвозасига иккинчи тўпни истеъдодли ҳужумчи Санъат Шихов киритди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.**



## ИФОДАЛИ ЎҚИШ ҲАМ МАҲОРАТ

**Чиноз туманидаги 1-ўрта умумтаълим мактаби она тили ва адабиёти ўқитувчиси Маҳмуда Долимова Захириддин Муҳаммад Бобурнинг сиймосини мактаб саҳнасида акс эттириш учун 5-"Г" синф ўқувчиси Иброҳимни танлаб янглишмаган экан.**

У устозининг ишончини қойилмақом қилиб оқлади. Иброҳимнинг Бобур ғазаллари ва рубоийларини ифодали ўқиш борасидаги маҳорати бадиий кеча иштирокчиларига жуда манзур бўлди. Айниқса, саҳнада шоҳ ва шоир сифатида ўзини ҳам салобатли, ҳам сипо тутиши ҳаммада ҳавас уйғотди. Ҳакамлар ҳайъати Иброҳим Оқуновни бадиий кеча ғолиби сифатида тан олди.

– Бобурнинг таваллуд куни муносабати билан туманимиздаги ўрта умумтаълим мактабларида бобурхонлик кечалари ўтказилмоқда, – дейди Маҳмуда Долимова. – Бизнинг мактабимиздаги кеча ҳам мароқли ўтди. Унда 5-9-синф ўқувчилари ғолиблик учун баҳслашдилар. Шогирдим Иброҳим буюк бобокалонимиз шеърий меросидан қай даражада баҳраманд эканлигини амалда кўрсатди, истеъдодини тўла намойиш этди.

СУРАТДА: Иброҳим Оқунов Бобур ғазаллаларидан ўқимоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## «СУПЕРКЕЛИНЧАК»ДАН «ИЧКУЁВ»ГА

**Пойтахтдаги Алишер Навоий номли киносаройда "Ичкуёв" комедиясининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

Томошабинларга "Фотима ва Зуҳра", "Ромео ва Жульетта" ҳамда "Суперкелинчак" фильмлари билан яхши таниш бўлган таниқли кинорежиссёр Баҳром Ёқубов мухлисларга яна бир янги комедия "Ичкуёв" фильмини тақдим этди.

Қарийб олти ой давомида суратга олинган фильмдаги бош ролларда яна Диана ва Адиз Ражабовларни кўрасиз. Фильмда, шунингдек, Мурод Ражабов, Тоҳир Саидов, Зуҳра Ашурова, Раъно Ярашева, Мадина Мусаева ҳамда Рихситилла Абдуллаев каби таниқли актёр ва актрисалар ўз ролларини моҳирона ижро этишган.

"Ичкуёв" фильми воқеалари қишлоқдан келиб, шаҳарда таълим олаётган йигит ҳамда ўта қайсар, феъл-атвори кўрс ва оғир бўлган бойвачча қиз муносабатлари ўртасида кечади. Тақдир тақозоси билан йигит қизнинг уйида бўлажак турмуш ўртоғингман деб кун кечиради, бунга сира чидай олмаган қиз эса ҳар қанақа йўл билан йигитни уйидан ҳайдаш пайига тушади. Аммо воқеалар ривожи шундай қуриладики, икки ёш бир-бирини севиб қолади. Фильм шу тарика гоҳ комедия, гоҳ драма йўналишида давом этади.

"Ичкуёв" фильми кинотанқидчилар, режиссёрлар ва актёрлар томонидан яхши кутиб олинди. Аммо, ҳақиқий баҳони барибир томошабин беради. Фильм шаҳримиз кинотеатрларида намойиш этилмоқда.

**Рустам ҲАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс".**

## ҲИКМАТГА МОЙИЛ ФИКРЛАР

- *Кўплаб дўстларим душманга айланганини кўрдим. Бирорта душманим дўстга айланганини эса йўқ.*
- *Бадбўй алаф ҳам гул. Унинг ҳам ошиқлари бор.*
- *Нимагаки астойдил ният қилиб интилсанг, шунга албатта эришасан.*

**Мансурхон ТОИРОВ.**

## Рассом кинояси




*Болалар боғчасида...*

**Хусан СОДИҚОВ чизган расм.**

**Михаил Зощенко**

# КИБОРХОНИМ

Ҳажвия



Григорий Иванович бир пишқириб, уҳ тортди, енги билан иягини артди-ю, ҳикоясини бошлади:

– Мен сизга айтсам, биродарлар, шляпа кийган хотинларни жинимдан баттар ёмон кўраман. Мабодо бошига шляпа қўндириб, оёғига ола бодроқ пайпоқ ёпиштириб олганми ёки қўлига гўрсўхта сумка ушлаб, тилла тишларини иржайтириб юрганми, хотинни кўрсам, елкам етти қарич тиришиб, "дод" деб юборгим келади. Худо шоҳид, бунақа киборхонимлар мен учун аёл эмас, бамисоли тақир ернинг ўзгинаси.

Илло, ёлғон бўлмасин, бир замонлар мен ҳам ўшанақа битта киборхонимнинг қўлига тушиб қолганман. Иккаламиз мазза қилиб саёҳатлашдик, ҳатто, уни театрга олиб бордим. Ҳамма бало ана шу театрда бошланди. Бу хоним театрга тушди-ю, ўзининг мафкуравий қиёфасини намойиш этди-қўйди. Гапни индаллосидан бошлай.

Бир куни ҳовлига тушсам, мажлис бўлаяпти. Қарасам, шундоқ биқинимда таманно билан кўз сузиб, бир жонон турибди. Оёқчаларида пайпоқчалар, тилла тишлари ялт-юлт.

– Сен қайси номерда турасан, гражданка? – дедим.

– Еттинчида, – деди хоним.

– Бўпти, – дедим мен ҳам, – баҳузур яшайвер.

Дедиму, юрагим "шиғ" этди. Ҳалиги хоним менга бирам ёқиб кетди-ки... Мен уникига тез-тез кириб турадиган қилиқ чиқардим. Сал бўш бўлсам, еттинчи квартира қайдасан, деб зинғиллаб қоламан. Гоҳо кўнглига келмасин, деб расмий шахс сифатида ташриф буюраман.

– Қалай, гражданка, – дейман у-ёқ бу ёққа аланглаб, – жамоат жойларида водопровод тузук ишлаяптими? Шикоят йўқми?

– Йўқ, – дейди у ийманиб, – яхши ишлаяпти. Раҳмат.

Кейин иссиққина рўмолига ўраниб олади-ю, миқ этмай ўтираверади. Зимдан менга бошдан-оёқ разм солиб қўяди. Чиройли жилмаяди. Кулганида тилла тишлари ярақлаб кетади.

Хонимникига бир ойча қатнаб юриб, сал-пал ўзимга ўргатиб олдим. Энди у саволларимга батафсилроқ, эркинроқ жавоб берадиган бўлди. Масалан "Ташаккур Сизга, Григорий Иванович, водопроводимиз ишлаб турибди" ва ҳоказо.

Шундай қилиб, у билан иноқлашиб кетдик. Борабора кўча-кўйга сайрга ҳам чиқадиган бўлдик. Бунақа пайтларда "мени қўлтиқлаб олинг" деб амр қиладилар. Хўп дейман-у, хонимнинг қўлтиғига кириб, қаққайиб кетавераман. Хотинларга қанақа гап ёқади ўзи, нима десам экан, деб ич-этимни ейман, ён-веримиздан ўтаётган одамларга қараб қизараман.

Кунлардан бир куни у нолиб қолди:

– Мени нуқул кўча-кўйга етаклаганингиз етаклаган. Бошларим айланиб кетди. Нима, мен кўча кўрмабманми? Ҳарқалай хўжайин деган номингиз бор. Бошқа ошиқ-мошиқлардай мени, масалан, театрга оборсангиз бўлмайдими?

– Бўлади, – дедим мен.

Омадни қарангки, ўша куннинг нақ эртасига комячейка операга билет тарқатиб қолди. Биттасига шартта ёпишдим. Васька слесарь ҳиммат қилиб, яна битта билет берди. Лекин билетларга қарадим-у, ҳафсалам пир бўлди. Менинг ўрним пастда, Васька берган билетдаги жой тепада эди.

Ҳай, майли, кўргилик экан-да, дедигу, қўлтиқлашиб театрга жўнадик. Хоним пастга, менинг ўрнимга ўтирди, мен эса тепага чиқиб кетдим. Ўзим ҳам шунақанги рўдапо ерга чиқиб олибманки, тўсиқдан энгашмасам, ҳеч бало кўринмайди. Энгашсам, хонимга кўзим тушади. Шундаям элас-элас кўринади.

Ўтираверииб зерикдиму, қийшайиб пастга тушдим. Қарасам, танаффус бўлибди. Бизга тегишли хоним ҳам одамлар орасида кезиб юрибдилар.

– Салом, – дедим унга яқинлашиб.

– Салом.

– Билмадингизми, бу ерда водопровод ишлармикан?

– Билмадим, – деди у ва аста буфет томонга юрди. Мен ҳам эргашдим.

Хоним буфетга кирдию, пештахтага тикилиб қолди. Унда товоққа пирожний босиб қўйилган эди. Мен ҳали думи тугилмаган буржуйдек ғўдайиб, хонимга хушомад қила кетдим:

– Мабодо кўнглингиз пирожний тусаб турган бўлса, майли, биттасини ей қолинг, пулини тўлашга розиман.

– Мерси, ташаккур, – деди у суюқоёқ аёллардай жилпанглаб.

Сўнг товоққа чанг солдию, кремли пирожнийни оғзига тиқди. Мен секин чўнтагимни пайпасладим. Биламан, киссамда шамол ўйнайди. Нари борса, учта пирожнийга етадиган ақчам бор. Хоним пирожний еяпти, мен ич-этимни еяпман. Қўлим чўнтакдан чиқмай қолди.

У битта пирожнийни туширииб, иккинчисига ўтди. Мени ҳиқичоқ тутиб қолай деди. Аммо, тилимни тишлаб турибман. Бойваччалигим тутди, бир нима дейишга ор қилдим. Ахир, ўзингиз ўйланг, "Бас, энди, очкўз" деб юборсам, эшитганлар нима дейди? Туркидан жазманга ўхшайдию, ёнида ҳемири йўқ экан, демайдими?

Хонимнинг атрофида хўроздай парвона бўлиб турибман. Жоним ҳалқумимга келди. Танноз қўшним эса, ҳадеб қиқир-қиқир кулиб, пирожний емоқда.

Ахири чидамадим:

– Залга кирмаймизми? – дедим йиғлагудай бўлиб, – қўнғироқ ҳам чалингандир?

– Чалингани йўқ, – деди у ва учинчи пирожнийни ҳам паққос туширди.

– Оч қоринга учта пирожний... кўплик қилмасмикан? – дедим аста. – Кўнгилни айнитиши мумкин.

– Кўплик қилмайди, – деди у, – биз ўрганиб кетганмиз.

Қарасам, хоним яна товоққа қўл чўзаяпти! Гуп этиб миямга қон урди.

– Қўй жойига! – деб бақирдим.

Хоним қўрқиб кетди. Дарров пирожнийни товоққа солди. Мен буфетчига ўгирилдим:

– Биздан учта пирожнийга пул олинг.

Буфетчи худди ярим дунёнинг хўжасидай, қўлларини белига тираб деди:

– Тўртта пирожний учун сиздан фалон сўм.

– Қанақасига тўртта пирожний?! – дедим. – Тўртинчиси товоқда ётибдику?

– Тўғри, товоқда ётибди. Лекин у тишланган, бармоқ билан мижиғланган.

– Қани тишланган ери, барака топгур? – деб қичқирдим. – Йўқ нарсани тўқиб чиқаравэрасизми?

У десам, бу деди, хуллас, лаънати буфетчи кўнмади. Бошимизга халойиқ тўпланди. Ҳалиги пирожнийни текшириб кўра бошлашди. Бировлар тишланган деди, бировлар тишланмаган деди.

Мен киссамнинг авра-астарини ағдардим. Ерга ҳар хил лаш-лушларим сочилиб кетди. Одамлар хохолаб кулаяпти. Мен куладиган аҳволда эмасман, чунки жон ҳовучлаб пул санаяпман. Қарасам, роппа-роса тўртта пирожнийга етди-турди. Эҳ, хомкалла, дедим, етар экан-у, буфетчи билан бекорга жанжаллашибман-да.

Ҳисоб-китобни тўғрилаб хонимга юзландим:

– Ана энди пирожнийни еб қўйинг, гражданка. Бемалол. Пули тўланган.

Хоним қимир этмайди, ҳайкалдай қотиб қолган. Шу пайт бир киши орага бурун суқди.

– Рухсат беринг, мен еб қўя қолай.

Шундоқ деб, "хап" этди-ю, пирожнийни икки ямлаб бир ютди, ҳароми. Биз бу ёқда ақчасини тўлаб, қўл қовуштириб тураверди.

Залга кирдик. Операни кўриб бўлиб, уйга жўнадик.

Уйга етганимизда хоним башарамга тикилди-ю, киборларча деди:

– Шунча чўчқалик қилганингиз етар. Ҳамёни қуруқлар аёлларга гумашталик қилмаса ҳам бўлади.

Мен ҳам бўш келмадим:

– Бахт пулда эмас, гражданка, – дедим хайрлаша туриб. – Авф этгайлар.

Шу-шу иккаламиз ажрашиб кетдик. Нима десангиз денгу, лекин киборхонимларни жинимдан баттар ёмон кўраман.

**Саъдулла СИЁЕВ таржимаси.**

## Бу – қизиқ

### ИНСОННИ БОШҚАРАДИГАН КАПСУЛА



АҚШ, Германия ва Франция олимлари электрон капсула яратдилар. Ичига иккита микрочип ва митти видеокамера ўрнатилган ушбу капсулани бемор дориdek қабул қилиши мумкин. У бемор танасидаги ҳолатни аниқлайди ва зарур топса, дори ажратади. Капсулага турли дорилар жойлаштирилган.

### АВТОМОБИЛЬ ҚАТНОВИ ЧЕКЛАНАДИ



Хитойнинг Шанхай шаҳрида ҳаво ифлосланиши оқибатида юзага келадиган экологик муаммоларни бартараф этиш мақсадида давлат муассасаларига тегишли автомобиллар ҳаракати нисбатан камайтирилмоқда. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, автоулов эгалари ҳафтада бир бор ишга жамоат транспортида қатнайди. Автомобилнинг давлат рақами тоқ ё жуфт сон билан бошланишига қараб тегишли кунлардагина кўчага чиқади.

**ЎзА.**

Шайхонтоҳур тумани "HERMESLUX" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр, бурчак штампи ва ГТД ҳамда декларация ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Давлат-тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар филиалининг Амалиёт бўлими томонидан 2008 йил 11 августда берилган Ф-31 № 513056-сонли УА серияли КМБ 093-шахобчасида тақдим этувчига Тз-7 омонат дафтарчасига илова қилинган патта йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный штамп выданный ООО "ZUMAR-TECH" (ИНН 206201199), зарегистрированный в Хамзинском хокимияте г. Ташкента,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный устав выданный на ООО "ASTRON-TUR" и фирменные бланки с печатью, а также Гувохнома № 09-000213,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

**Утерянный паспорт выданный Учтепинским РОВД на имя Саидахмедова Саидамина Саидмурадовича нашедшего просим вернуть за вознаграждение. Тел.: 128-04-64.**

"XAYDAROV NURALI XURRAMOVICH" (ОКПО 22535931, ОКОНХ 71280) хусусий корхонаси "XAYDAROV NURALI XURRAMOVICH" МЧЖга айлантирилаётганини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида 739-79-79 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Оҳангарон тумани Амир Темур номли 25-ўрта мактаб томонидан Аскарова Гулноза Ирсолиевна номига 1995 йилда берилган АО № 016631 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор туманидаги "ORIENTAL TREASURES" хусусий фирмасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли МЧЖга айлантирилишини маълум қилади.

Даъво ва аризалар бўйича тел.: 301-40-40.

Янгийўл туманидаги 26-умумтаълим мактаби томонидан 2007 йилда Эргашев Элмурод Махамадалиевич номига берилган U 286923 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


"ИЖ АВТО" РАСМИЙ ДИЛЕРИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Маҳсулот сертификатланган

АРЗОН БЎЛМОҚДА

1 ЙИЛЛИК КАФОЛАТ (20 000 КМ)

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ-ТУРЛИ

"ИЖ АВТО" расмий дилери чегирмалар фасли бошланганлигини маълум қилади.

Таклиф 2009 йил 15 март кунигача ҳақиқий.

+ОСГО СОВҒА ҚИЛАДИ

"SANAR" Х.К омборидан сотилади.



ИЖ - 27175



Ваз-21041

Батафсил маълумот учун телефонлар:

Тошкент шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 54А Тел.: 140-00-61/62,110-41-43 (9.00-18.00)


Частная фирма "GRAND-BEK" Яккасарайского района г. Ташкента сообщает об изменении формы собственности с ЧФ на ООО. Претензии принимаются в течение 1-го месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 215-58-88.

Собир Раҳимов туман ҳокимияти томонидан Бекназарова Минаввара Рахматуллаевна номига берилган хусусий тадбиркорлик гувоҳномаси (патент) йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Частное предприятие "NARGIZ-BONU-BIZNES" (ИНН 205444926, Гувохнома № 002495-05 от 31.03.2008г.), зарегистрированный отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията С. Рахимовского района г. Ташкента, расположенного по адресу: ул. Беруний, болк-Г, д. 104, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ**. Решение собрания № 1 от 16.02.2009 г. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования объявления по тел.: 185-18-50.

## ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

**Тошкент вилоят адлия бошқармаси вилоятнинг Ангрен шаҳар 1-сонли ва Оҳангарон туман давлат нотариал идора нотариуси лавозими учун танлов эълон қилади.**

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Талабгорлар Тошкент вилояти адлия бошқармасига шахсан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

а) Малака комиссияси номига ариза;
б) паспорт нусхаси;
в) белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
е) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳони топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
ж) охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2009 йил 3 мартгача Тошкент вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй.**

**Телефонлар: 253-84-30, 280-51-03.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-140. Адади 11492. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 6 7 8